ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 57 (8.641) ◆ 1995 йил 19 май, жума ◆ Сотувда эркин нархда

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

18 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Америка Қўшма Штатларидаги «Кейс» компанияси президенти Жан Пьер Россо раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

Ислом Каримов асосан қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Кейс» компанияси билан ҳамкорлик истиқболлари хусусида сўзлар экан, бу борада катта имкониятлар мавжудлигини таъкидлади.

Суҳбат чоғида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосарлари Ў. Султонов, Ю. Пайгин иштирок этди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

Маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлаш харажатларини ундириш тўғрисида

1. Маъмурий қамоққа олинган шахслардан маъмурий ишлар бўйича судьянинг қарорига биноан қамалганларни сақлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар суткасига энг кам иш ҳақининг 15 фоизи миқдорида ундириб олинади.

2. Қамалган шахс маъмурий қамоқда бўлган вақтида ишлаган ва бу билан ўзини сақлаш харажатларини қоплаган ҳолларда ундан харажатлар ундириб олинмайди. Қамалганлар меҳнатга қобилиятсиз бўлсалар, улар ҳам бу харажатларни ундиришдан озод қилинадилар.

Айрим ҳолларда судья аниқ ҳолатларни ва қамалганнинг шахсини ҳисобга олиб, уни мазкур харажатларни тўлашдан озод қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 6 май.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

«Маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлаш харажатларини ундириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

«Маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлаш харажатларини ундириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1.«Маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлаш харажатларини ундириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 1995 йил 1 июндан эътиборан амалга киритилсин.

2. Қуйидагилар 1995 йилнинг 1 июнидан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1960 йил 29 декабрдаги «Маъмурий тартибда қисқа муддатли қамоққа ҳукм этилган шахсларни сақлаш харажатларини ундириш тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1960 йил N 30, 2-модда);

Ўзбекистон Республикасининг 1961 йил 26 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг «Маъмурий тартибда қисқа муддатли қамоққа ҳукм этилган шахсларни сақлаш харажатларини ундириш тўғрисида»ги Фармонини тасдиқлаш ҳақида»ги қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1961 йил, N 36, 20-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1964 йил 30 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг «Маъмурий тартибда қисқа муддатли қамоққа ҳукм этилган шахсларни сақлаш харажатларини ундириш тўғрисида»ги 1960 йил 29 декабрь Фармонининг 1-моддасига қисман ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1964 йил, N 34, 2-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1966 йил 30 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг «Маъмурий тартибда қисқа муддатли қамоққа ҳукм этилган шахсларни сақлаш харажатларини ундириш тўғрисида»ги Фармонига қўшимча киритиш ҳақида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1966 йил, N 11, 7-модда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 6 май.

Шаҳримизнинг Эски шаҳар қисмини обод ва кўркам қилиш борасида бажарилаётган ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Шу мавзуда бериб бораётган хабар ва мақолаларимиз янги турар жойларнинг қурилиши, бунёдкорлар ва янги уйларга кўчиб бораётган хонадон соҳиблари ҳақида эди. Бугунги суҳбатдошимиз Собир Раҳимов туманининг бош меъмори Собир Саидов бўлиб, у билан уй-жойлар лойиҳалари ҳақида гаплашдик.

Эски шаҳар ёшаради



ЗАМОНАВИЙ ЛОЙИҲАЛАР АСОСИДА

— Собир ака, ҳозирги кунда ўзгача тус олаётган Сағбон, Қорасарой, Чимбой кўчалари яқин вақт ичида қандай бўлади?

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод қилиш тўғрисида»ги қарори чиққандан сўнг бизларга ҳам алоҳида масъулият юкланди. Энг аввало махсус лойиҳалаштириш институтлари шинам ва кўркам уй-жойларнинг лойиҳаларини тақдим этишди. Айни вақтда ана шу лойиҳалар асосида ҳамюртларимиз учун генерал Узоқов, Беруний майдони, Тахтапул даҳаси, Ниёзов кўчаларида баланд қаватли уйлар қад ростламоқда. Тақдим этилган лойиҳаларнинг пойдевори бошланмай туриб мукаммал ўрганилиб чиқилди. Чунки Эски шаҳарнинг асосий қисмини кўп фарзандли ўзбек оилалари ташкил этади. Айрим уйларнинг лойиҳалари бундай оилаларга тўғри келмаслиги мумкин. Шуни эътиборга олиб, қурилаётган уйларнинг пешайвони, меҳмонхонаси, ошхонаси бошқа уйларга нисбатан бирмунча кенгроқ бўлиб, қурилиш нормативларининг янги усуллари асосида бунёд этилмоқда. Бу уйларда истиқомат қилувчилар учун маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, дўконлар ҳам айнан мана шу уйларнинг биринчи қаватидан ўрин олиши лойиҳада кўрсатилган. Шунингдек уйлар атрофидан алоқа бўлими, тиббий муассаса, дорихоналар ҳам ўрин олади.

Эски шаҳарни қайта қуриш ва обод қилиш борасидаги айни вақтда амалга оширилаётган ишлар биринчи босқичга киради. Режамизнинг иккинчи босқичидан номлари зикр этилган кўчаларнинг ҳар бирида мавжуд бўлган маҳаллаларнинг бошланиш қисмида бири-бирига ўхшамаган лойиҳалар асосида маҳалла гузарлари барпо бўлади. Бу гузарларнинг лойиҳаси устида тўртта йирик лойиҳа институти ишламоқда. Масалан, биргина Сағбон кўчасида учта маҳалла гузари, яъни «Чимбой», «Ачаобод», «Алоқа» маҳаллаларининг гузарлари қурилади.

Суҳбатни Гулзода АБДУЛЛА қизи ёзиб олди.

Ўзбекистон ва жаҳон

АЛОҚАЛАР КЎЛАМИДАГИ ЯНГИ БОСҚИЧ

Кейинги пайтларда Ўзбекистон ва етакчи ғарб давлатлари, айниқса Германия ўртасида ижтимоий-иқтисодий алоқалар кенг ривожланмоқда. Чунончи, Ғарбий Европадаги саноати энг тараққий этган Германия Федератив Республикаси етакчи фирмаларининг Ўзбекистонда 35 та ваколатхонаси очилганлиги ҳамда икки давлат ўртасида 17 та қўшма корхона тузилиб фаолият кўрсатаётгани қувонарли ҳолдир. Куни кеча эса икки давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатларни янги ва юқори босқичга кўтарадиган янги бир тадбир бошланди. Яъни халқаро «Кооперация биржаси» деб номланган биржа семинарда қатнашиш мақсадида шаҳримизга Германиянинг 48 фирмаси вакиллари — немис тадбиркорларининг катта делегацияси ташриф буюрди. Улар орасида «Берлинер банк», «Алкатель», «Дойче банк», «Гермед», «Интермед лабор+Мед Тех» каби таниқли фирмалар бўлиб, ушбу тадбирни ташкил қилишдан мақсад ҳам Ўзбекистон ва ГФР ўртасида иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришга интилишдир.

Ўзбекистон томонидан бизнес-семинар ишида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзавтосаноат» уюшмаси, «Ўзбекнефтегаз» миллий корпорацияси, «Химсаноат» давлат концерни, «Ўзбекқишлоқмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа кўплаб йирик корхона, уюшма, бошқармалар фаол иштирок этишмоқда.

Халқаро «Кооперация биржаси» семинари очилиши муносабати билан ўтказилган матбуот конференциясида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси раисининг ўринбосари Р. Т. Раҳимжонов, Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси доктор Карл Хайнц Қуна, Германия иқтисодий вазирлиги ҳамда тадбиркорлик доирасининг вакиллари сўзга чиқиб, немис фирмаларининг Ўзбекистонга қизиқишлари тобора кучаяётганлиги, Германия томонидан Ўзбекистонга кўрсатилаётган кўмаклар кўлами ва ҳамкорлик алоқаларининг истиқболи хусусида атрофлича тўхталиб ўтишди.

Халқаро семинар Бухоро, Самарқанд шаҳарларида ўз ишини давом эттиргач, 20 майда якунланади.

Дилмурод ИСМОИЛОВ.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

| ЯНГИЛИКЛАР | ВОҚЕАЛАР | ХАБАРЛАР

ХОЛИСОНА МАҚСАД БИЛАН

Американинг таниқли жамоат арбоблари, маданият, сайёҳлик ва аёллар ҳаракатининг фаолларидан иборат 9 кишилик делегацияси илк бор шаҳримизга ташриф буюрди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциациясида ўтказилган учрашувда делегация раҳбари, таниқли ҳуқуқшунос муҳтарама Сэнди Климент сўзга чиқиб 23 миллион аҳолига эга Ўзбекистон сиёсий, иқтисодий ва жуғрофий томондан Марказий Осиёда алоҳида ўрин тутишини, бу минтақада инсониятнинг энг қадимги ўчоқлари мавжуд бўлиб, «Буюк ипак йўли» ҳам бежиз ушбу ҳududдан ўтмаганлигини алоҳида таъкидлади.

— Қадимги замонлардан бери жаҳон мамлакатлари узра Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарлари машҳур бўлиб, уларнинг алоқалари кўп асрлар давомида Хитойдан Испаниягача, Европадан Ҳинд океанигача уланиб кетган бўлса-да, Америка қитъасида Ўзбекистон тарихи ва маданияти тўғрисида жуда кам маълумотга эга бўлиб, биз энди-энди мустақил юртингиз билан яқиндан танишмоқдамиз, — деди у. — Айниқса Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ўзининг маънавий, миллий қадриятларини тиклаш йўлидан бораётгани, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий соҳаларда туб ўзгаришлар юз бераётган бир пайтда икки давлат ўртасида жамоат алоқаларини йўлга қўйишга кенг имкониятлар туғилди. Делегациямизнинг асосий мақсади ҳам Ўзбекистоннинг бугунги ҳаёти, тарихи, маданияти билан яқиндан танишишдир...

Шуни таъкидлаш кераккки, шаҳримиздаги шифокорлар, халқ таълими ходимлари, тилшунослар оилаларида истиқомат қилувчи америкалик меҳмонлар сафарининг мазмунли ўтиши учун кенг шарт-шароитлар яратилди. Улар шу ҳафта давомида «Шарқ гули» ҳиссадорлик корхонасининг фаолияти билан танишдилар, Ўзбекистон халқлари тарихи ҳамда амалий санъат музейларида бўлдилар. «Мусаввир» санъат-ишлаб чиқариш бирлашмасининг қўли гул усталари билан мулоқотда бўлиб, А.Навоий номли академик катта театрида ўзбек хореография билим юртининг талабаларининг ҳисобот концертини томоша қилдилар. Шунингдек, америкалик меҳмонларимиз учун Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар комитети ҳам ўз махсус дастурини тайёрлаган эди. Меҳмонлар қадимий Самарқанд шаҳрида ҳам бўлиб у ердаги бой меъморий ёдгорликлар билан танишдилар.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

Тадбиркорга омад ёр

ОЧИҚ САВДО ЯРМАРКАСИ

Суратли ахборот

Ўзбекистон Республикаси кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи жамғарма («Бизнес фонд»), Ўзбекистон Республикаси товар хом ашё биржаси махсус Республика ярмаркасини ва очиқ биржа савдоси доирасида «Бизнес-биржа» танловини ўтказиш ҳақида қарор қилган эди. Ана шу танлов куни кеча ўз ишини якунлади.

Очиқ савдо ва танлов-ярмаркасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўлимининг бошлиғи Бахтиёр Ғафуров очди.

Танлов-ярмаркасида 96 та фирма, ҳиссадорлик жамияти, хусусий ва жамоа корхоналари ҳам олувчи, ҳам сотувчи сифатида иштирок этди. 56 та тумандан 104 та фирма эса 160 турдаги маҳсулот учун эҳтиёж сезиб, ўз таклифлари билан иштирок этишмоқда. Тошкент шаҳридан эса 50 га яқин кичик корхоналар, фирмалар, шахсий ва жамоа корхоналари ўз маҳсулотларини очиқ савдога қўйишди.

Биз очиқ савдо ва танлов-ярмаркаси иштирокчилари билан суҳбатлашдик:

Тоҳир ЮНУСОВ, «Ўзмевасабзавотузумсаноат» ассоциациясининг маркетинг ва ривожлантириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари: — Республикамиз миқёсида янги пишган мева-сабзавотлардан шарбатлар тайёрлаш, эҳтиёждан ортиғини қуритиб халққа етказиб бериш борасида «Ўзбексавдо» ва «Ўзбекбирлашув» билан ўзаро шартнома имзоланмиз. Шунинг учун бу йил охиригача 301 миллион дона шартли банка маҳсулот ҳамда 1 миллион декалитр 30 хилдан ортиқ ичимликлар тайёрлаб берамиз.

Евгений ТРОХИМОВИЧ, «ТЭК ва К» кичик корхонасининг раҳбари: — Корхонамиз кичик заводлар ва кичик дастгоҳлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Яратишдан тортиб, тайёр маҳсулот бўлгунга қадар тажрибамиздан фойдаланамиз. «Алгоритм» ишлаб чиқариш бирлашмасидан жой олиб, айни вақтда 150 нафар ишчи 15 хилдаги халқ истеъмоли буюмларини ишлаб чиқаряпмиз. Тошкентда ўтказилаётган бундай ярмаркада биринчи маротаба иштирок этдик.

Зуҳра САИДАМИНОВА, «Зуҳра ЛТД» хусусий фирмасининг раҳбари: — Бизнинг фирмамизда тайёрланаётган маҳсулотлар уй-рўзғорда асқотади. Яъни бизлар тоғларда ўсаётган ёввойи ўтлардан тайёрланадиган эфир мойларини, сувли экстрактларни тайёрлаймиз. Шунингдек куя капалаги учун, жавонларда турадиган сочиқ ва чойшаблардан хушбўй ҳидлар анқиши учун ҳам махсус кукунлар, дамламалар тайёрлаяпмиз. Тажрибаларимизнинг барчаси Генетика институти лабораториясида олиб борилади. Ёввойи ўт-ўланларни ўстириш ҳамда йиғиб-териб олиш Наманган вилояти Поп туманидаги махсус ўрмончилик хўжалигида амалга оширилади.

Марғуба КОМИЛЖОНОВА, «Юлдузхонбегим» хусусий корхонаси раҳбари: — Иш бошлаганимизга эндигина тўрт ой бўлди. Бундай ярмаркада биринчи бор маҳсулотимиз билан иштирок этдик. Жамоамизда 35 нафар хотин-қизлар меҳнат қилиб, 22 хилдаги трикотаж буюмларини тўқиб, тикиб чиқаряпмиз. Маҳсулотларимиз болалар ва турли ёшдаги аёллар учун мўлжалланган. Буюртма асосида ҳам иш қиламиз. Махсус иккита дўконимизда маҳсулот сотилиши билан бир қаторда шу ернинг ўзида буюртмалар ҳам қабул қилинади. Бундай ярмаркалар тез-тез ўтказилиб турилиши фойдадан ҳоли эмас.

Гулзода МАМБЕТОВА.

СУРАТЛАРДА: очиқ савдо ва танлов-ярмаркасидан лавҳалар. Рустам Шарипов олган суратлар.

БУГУНГИ КУН «ТО» «ТО» НАФАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

❑ Вазирлар Маҳкамаси «1995 йилда бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олиш ва давлатга топширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

❑ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Хўжаликлар ихтиёрида қолдириладиган пахта толаси, пилла, жун ва қоракўл тери сотилишини таъминловчи Қорақалпоғистон Республика ва вилоят уюшмаларини тугатиш тўғрисида» Фармон чиқарди.

❑ Тунис Республикасининг Президенти Зайн ал-Обидин ибн Али муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга самимий табрик йўллади.

❑ Олий Мажлис раиси Эркин Халилов 17 май куни Вьетнам Социалистик Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси Нгуен Ван Дакни, Конрад Аденауэр фондининг минтақавий вакили Вольфганг Шрайберни, 18 май куни эса Корея Халқ Демократик Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси Ким Ир Хекни уларнинг илтимосларига биноан қабул қилди.

❑ Кеча пойтахт марказий вокзалидан махсус поездда Қозоғистонда Ўзбекистон кунларида иштирок этиш учун 500 нафардан кўпроқ фан ва маданият арбоблари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, санъаткорлар Алматига йўл олдилар.

❑ Нукусда «Қорақалпоқбалиқ» давлат ҳиссадорлик уюшмасининг таъсис анжумани бўлиб ўтди.

❑ Тошкентда Франция элчихонаси ва жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети томонидан ташкил этилган, Европа Иттифоқига асос солган Шуман декларацияси қабул қилинганлигининг 44 йиллигига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

❑ Кеча республика валюта биржасида бўлиб ўтган навбатдаги савдода 19 майдан эътиборан 1 АҚШ долларининг сотиб олиш ва сотиш тижорат қиймати 26 сўм 60 тийин қилиб белгиланди.

❑ Фарғонада жаҳон андозаларига жавоб берадиган замонавий теннис корти мажмуаси фойдаланишга топширилди.

ҲАМДЎСТЛИКДА

❑ Бугун Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзовнинг Россияга расмий ташрифи ниҳоясига етди. Унинг давомида Туркманистон билан Россия ўртасида турли соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришга қаратилган 23 та ҳужжат имзоланди.

❑ Беларусь билан Россия Президентлари Минскда Ҳамдўстлик мамлакатлари давлат раҳбарлари учрашувидан сўнг Беларусь билан Россия ўртасидаги ички чегараларни очишга бағишланган тантанали маросимда иштирок этиш ниятидалар. Бу тадбир Смоленск шаҳри яқинида бўлиб ўтиши режаланяпти.

❑ Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги касаба уюшмалари умумий конфедерацияси ижроия қўмитасининг мажлисида Ҳамдўстлик мамлакатларида корхоналарнинг касодга учраши билан боғлиқ муаммолар муҳокама этилди.

❑ Бир ҳафта давомида Қирғизистонда иш олиб борган Европа комиссияси мутахассисларининг фикрича, бу мамлакатга чет эллардан озиқ-овқат маҳсулотлари билан ёрдам берилмаса очлик рўй бериши мумкин. Қирғизистонда йилига аҳоли эҳтиёжи учун 3 миллион тонна дон зарурлиги ҳолда бу йил республикада бошоқли экинлардан 800 минг тонна ҳосил олиниши кутилмоқда.

❑ Бугун Сухумида Абхазия билан Кабарда-Балқористон ўртасида ўзаро иқтисодий-маданий ҳамкорликни мустаҳкамлаш юзасидан қатор ҳужжатлар имзоланди.

❑ Яқин кунлар ичида Москвада ва Москва вилоятида шаҳар атрофига қатнайдиган поездларда кира ҳақини ўртача 8—10 бараварга ошириш мўлжалланмоқда.

ХОРИЖДА

❑ Кеча Софияга расмий ташриф билан келган Россия Бош вазири Виктор Черномирдин Болгария раҳбарияти билан ўзаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама этди. Бугун Россия билан Болгария ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик юзасидан 11 та ҳужжат имзоланиши мўлжалланяпти.

❑ Польшанинг Гданьск шаҳрида Болтиқ денгизи минтақаси давлатлари вакилларининг навбатдаги учрашуви бошланди. Унда минтақада иқтисодий интеграцияни кучайтириш масалалари муҳокама этиляпти.

❑ Словакияда пора берувчиларни жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида қонун қабул қилинди. Маъмурларнинг фикрича, бундай қонуннинг қабул қилиниши порахўрликка қарши самаралироқ кураш олиб бориш имконини беради.

❑ Парижда ўзбек мусиқачилари — Турғун ва Алишер Алиматовларнинг концертлари зўр муваффақият билан ўтди.

Футбол

«БАЙНАЛМИНАЛ»НИНГ ҒАЛАБАСИ

Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланиб Москвада ўтказилган мусобақаларга Украина, Бразилия, Россия терма жамоалари қаторида Ҳамидулла Орипов мураббийлигида шаҳримизда фаолият кўрсатаётган «Байналминал» ногиронлар футбол жамоаси ҳам таклиф қилинган эди. Матонатли футболчиларимиз бразилияликлар билан бўлган ўйинда 1:1 ҳисобида дуранг натижага эришдилар. Украина терма жамоаси устидан 3:1 ҳисобида ғалаба қозониб, фақатгина россиялик футболчиларга 1:0 натижа билан ютқазиб, фахрли 2-ўринни эгаллаб қайтдилар. Футболчиларимиздан, айниқса дарвозабон Зоҳид Тошхўжаев, ярим ҳимоячи Аъзам Шерматов, марказий ҳужумчи Жамил Шукуровларнинг маҳорати ишқибозларнинг олқишига сазовар бўлди.

Шундан сўнг Москвадаги «Торпедо» стадионида «Спартак» ва «Торпедо» жамоалари ўртасида бўлиб ўтган ўйиндан сўнг майдонга яна «Байналминал» ва Бразилия терма жамоалари тушдилар. 15 дақиқадан иборат 2-таймли ўйинда ҳисоб очилмади — 0:0. Ўйин ниҳоясида стадионни тўлдириб турган футбол ишқибозлари ушбу матонатли футбол фидойиларини узоқ олқишладилар.

Илҳом ШЕРМУҲАМЕДОВ.

Қозоғистонда Ўзбекистон кунлари

ЮТУҚЛАРИМИЗ ИФОДАСИНИ ТОПАДИ

Эртага Қозоғистон пойтахти Алмати шаҳрида Ўзбекистон кунлари доирасида республикамизнинг бугунги куни ҳақида ҳикоя қилувчи «Интеграция-95» кўргазмаси ўз ишини бошлайди. Кўргазмадан мамлакатимиз саноати, фани, қишлоқ хўжалиги тўғрисидаги энг сўнгги ютуқлар ўрин олади.

Ҳозирги ҳаётимизни радиоэлектроника, элекротехника саноати, асбобсозликсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Республикамизда бу соҳа билан «Ўзэлтехсаноат» ассоциацияси шуғулланмоқда. Бу ассоциация корхоналари электродвигателлар, трансформаторлар, аккумулятор, лифт, компьютерлар, ярим ўтказгичли асбоблар, конденсаторларни ишлаб чиқаради. Кўргазмада намойиш этиладиган инкубаторлар, қуритиш жавонлари, тиббиётда, пахта тозалаш саноатида фойдаланувчи ускуналар, «Нодира», «Семург» телевизорлари меҳмонларда шубҳасиз, катта қизиқиш уйғотади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси институтлари олимларининг янги ютуқлари ҳам кўргазма меҳмонлари диққатини ўзига жалб қилади.

Кўргазмада шунингдек, пахтанинг бир қатор навлари, арпа турлари, терилар, чорвачиликда фойдаланилувчи зардоблар, қоракўл терилари, улардан тикилган маҳсулотлар, қишлоқ хўжалиги машиналари ҳам ўз қизиқувчиларини топиши шубҳасиз.

Шунингдек, «Ўзбекенгилсаноат» ассоциацияси ва «Маҳаллий саноат» давлат корпорациясининг ҳам турли маҳсулотлари - чинни, биллур идишлари, атлас матолари, трикотаж маҳсулотлари, «Совпластитал» қўшма корхонасининг 20 дан зиёд маҳсулотлари ҳам кўргазмадан ўрин эгаллайди.

Маҳмуда ИСМОИЛОВА.

◆Қозоғистонда Ўзбекистон кунларига бағишланган махсус саҳифа билан газетанинг 2-бетида танишасиз.

ЖАҲОН КЕЗАЁТГАН МУЗЕЙЛАРИМИЗ

Тошкентда Халқаро музейлар куни муносабати билан йиғилиш ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирининг ўринбосари Т. Ҳ. Муминов тўпланганларни ушбу байрам билан табриклади. Сўнгра Республика музейларининг ҳозирги фаолияти, келажак истиқболлари, йўналишлари, олий ўқув юртларида музейшунослик фанини ўқитиш масалалари ҳақида маърузалар тингланди.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг музейлар фаолиятини яхшилаш ҳақидаги қароридан кейин музейларга эътибор янада кучайди,— дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлигининг музей ишлари бошқармаси бош мутахассиси Ўткир Ёрмуҳамедов.— Шу муносабат билан музейшунослик илмий ишлаб чиқариш маркази тузиляпти. Шунингдек маблағлар топиш, хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда чет элларда кўргазмалар ташкил этмоқчимиз. Яқинда Германиянинг Штутгарт шаҳридаги машҳур Линден-музеум музейида «Буюк Ипак йўли: Ўзбекистон» деган кўргазма бўлиб ўтади. Унда диёримизнинг халқ амалий санъати ҳақида кенг таассуротга эга бўлиш мумкин.

Йиғилиш сўнгида вазирлик тизимидаги давлат музейи ходимларига Фахрий ёрлиқ ва нишонлар топширилди.

Нодира УМАРОВА.

Бизлар буюк Турон диёрида униб-ўсган икки оға-ини халқмиз. Тилимиз ҳам, дилимиз ва динимиз ҳам муштаракдир.

Ислом КАРИМОВ.

Биз қадим замонлардан бери ёнма-ён яшаб келаётган халқмиз... Ўзбекдан дўсти ва қариндоши бўлмаган қозоқни топиш қийин. Қозоқдан дўсти ва қариндоши бўлмаган ўзбек ҳам йўқ дейиш мумкин.

Нурсултон НАЗАРБОЕВ.

Ўтган йилнинг май ойида муҳташам «Туркистон» саройида Ўзбекистон Республикасида Қозоғистон Республикаси кунлари тантанали суратда очилган эди. Очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳамда Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев сўзлаб, икки халқнинг бир-бири билан тарихан бирлигини, якдиллигини таъкидлаган эдилар. Шундан кейин қозоғистонлик санъат аҳллари, зиёлилар, бошқа соҳа мутахассислари республикамиз бўйлаб сафарда бўлган эдилар. Биз қозоқ халқининг бетакрор санъатини, адабиётини, илм аҳлларини қучоқ очиб кутиб олган, чин дилдан олқишлаган эдик.

Энди Қозоғистон Республикаси меҳнаткашлари Ўзбекистон кунлари қатнашчиларини интизорлик билан, самимий муҳаббат, кенг қучоқ очиб: «Омонмисан, қондошим!» дея кутмоқда. Эртага Алмати шаҳрида Қозоғистонда Ўзбекистон кунлари тантанали очилади. Шундан сўнг ҳамюртларимиз бепоён Қозоғистоннинг йирик шаҳарларида, яйловларда, меҳнат жамоаларида бўлиб, ўз санъатларини намойиш этадилар, қардошлар билан самимий суҳбатлар қурадилар.

ҚАРДОШЛИК БАЙРАМИ

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазири Эркин ҲАЙИТБОЕВ билан суҳбат

— Эркин Қаҳҳорович, Қозоғистон Республикасида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон кунлари ҳақида газетхонларимизга батафсилроқ сўзлаб берсангиз...

— Аввало бир нарсани таъкидлаб ўтишим керак. Биз туққан-туғишган биродарлармиз, «Узбек — ўз оғам» деб сийлайдиган жигарбандларимиз ҳузурига маданият, санъат, адабиёт, тадбиркорлик — қуйинг-чи, ҳар соҳада эришган ютуқларимизни намойиш этиб, дўстлар кўнглини тоғдек юксалтиришга, ўрни келса ўрганишга кетаётибмиз. Ўтган йили Ватанимизда Қозоғистон кунлари бўлиб ўтганида биз қозоқ қардошларимизнинг улкан ютуқларини кўриб, қанчалар қувонган эдик. Бу сафаримиз ана шу дўстлик ташрифига жавоб десак ҳам бўлади. Ахир «Меҳр кўзда», «Борса — келса қариндош, бормаса — келмаса етти ёт», дейдику халқимиз. Ташрифимиз қондошлик ипларининг янада маҳкамланишига хизмат қилади.

— Ўзбекистон кунларига жами неча киши қатнашиши кўзда тутилган?

— Беш юз кишидан зиёдроқ десам тўғри бўлади. Улар орасида «Узмашсаноат», «Узавтосаноат», «Ишбилармон аёллар» уюшмалари, республика тадбиркорлар уюшмаси, «Совпластитал» қўшма корхонаси, «Узбекмебель» акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, Республика модалар театри, олий, ўрта ва махсус халқ таълими вазирликлари, фан ва техника давлат комитетининг вакиллари, Фанлар академияси, Ёзувчилар, киноижодкорлар, рассомлар, санъатимиз юлдузлари — қуйинг-чи, ҳар бир соҳадан вакиллар бор. Улар Узбекистон кунлари мобайнида ўз соҳалари бўйича қозоғистонлик ҳамкасблари билан фикр алмашадилар, ўзаро фойдали битимлар тузадилар, санъатларини намойиш этадилар. Олдиндан айтишим мумкинки беш кун мобайнида икки томонга анча фойдали ишлар қилиб улгурамиз.

— Қозоғистоннинг қайси шаҳарларида бўлиш режалаштирилган? Санъатимиз юлдузларини тилга олиб ўтдингиз. Улар қайси жойларда томошалар кўрсатадилар?

— Дастуримиз қизиқарли тадбирларга бой тузилган. 20 май куни Алмати шаҳрида Узбекистон кунлари тантанали суратда очилади. Уз-ўзидан маълумки, асосий тадбирлар Қозоғистон Республикаси пойтахтида бўлиб ўтади. Бу ерда беш кун давомида Узбекистон камер яккахонлар дастаси, Узбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Ғуломжон Ёқубов бошчилигидаги гуруҳ, «Шодлик» ашула ва рақс дастаси, машҳур «Ялла» вокал чолғу дастаси, Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри артистлари ўз санъатларини намойиш қиладилар. Илк марта юртимиздаги иқтидорли болаларнинг чиқишлари ҳам бўлади. Улар орасида камончи, халқаро танловлар совриндори, Успенский номли мусиқа мактабининг 4-синф ўқувчиси Даниэль Холиқов, ўрта махсус, мусиқали-бадиий санъат мактабининг 4-синф ўқувчиси пианиночи Моҳинур Мирраҳимовалар бор.

Булардан ташқари Алишер Навоий номидаги академик Катта театримизнинг яккахонлари, Узбекистон Республикаси давлат телерадиокомпанияси қошидаги Юнус Ражабий номли мақомчилар дастаси, Узбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаева ҳамда «Самарқанд» дастаси ҳам Алматида бўладилар.

Алматида «Интеграция—95» кўргазмаси очилади. Унда ёғоч, ганч ўймакорлиги, зардўзлик, кулолчилик сингари халқимизнинг анъанавий ҳунармандчилиги ажойиб намуналари намойиш этилади.

Яна олти йўналиш ҳам белгиланган. Толлиқўрғонда — уйғур ашула ва рақс дастаси ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Олимжон Орифжонов раҳбарлигидаги гуруҳ; Қарағандада — машҳур «Лазги» ашула ва рақс дастаси: Тўрғайда — Фарғона вилояти санъаткорлари; Чимкентда — Алишер Навоий номидаги академик Катта театрининг камер халқ чолғу асбоблари оркестри ҳамда «Нола» вокал-чолғу дастаси; Қизил Урдада — Тошкент вилояти санъаткорлари; Жамбулда — «Зарафшон» фольклор этнографик дастаси ҳамда «Шофайз» гуруҳи хизматда бўладилар. Барча учрашувларда дўстлик, қардошлик қўшиқлари янграйди. Хуллас Ўзбекистон кунлари дили бир, замини бир халқларнинг қардошлик байрамига айланиб кетади.

Темур УБАЙДУЛЛАЕВ
ёзиб олди.

Қариндошим, туғишқоним, улкан қозоқ, омон бўл!
Тиниқликда осмон бўлу, доимликда жаҳон бўл!

БИРЛАШГАН ЎЗАР

Қадим Туронзаминнинг сўлим масканларидан бири Турбат қишлоғи муқаддас зиёратгоҳлиги, ўзининг оромбахш табиати, дилбар ва очиқ табиатли, бағри кенг одамлари билан барчани ўзига ром этади. Бу ерда қозоғу ўзбеклар азал-азалдан аҳил-иноқ, бир оила фарзандларидек яшаб келадилар. Қозоқ ўланлари янграмаган ўзбек тўйи, ўзбек яллалари файз киритмаган қозоқ хонадони йўқ. Маъракаларда бир-бирини бағрига босиб, бир-бирига тасалли беради. Шундай аҳил-иноқ аҳли Турбат!

Куни кеча шу қадимий қишлоқ ҳавосини тонгданоқ карнай-сурнайларнинг садолари зириллатиб юборди. Узбек дутори оҳангларига дўмбиранинг шўх садолари жўр бўлди. Аҳли Турбат машҳур маърифатпарвар шоиримиз Абай Қўнанбоевнинг 150 йиллигини нишонлаш учун йиғилдилар. Олимлар, шоирлар, уруш ва меҳнат фахрийлари Туронзаминнинг ўтнафас ижодкорларидан бири бўлмиш буюк оқиннинг ижоди Туркистон халқлари тарихида ёрқин саҳифа эканлигини эътироф этдилар.

Қозоғистон Ёзувчилар уюшмасининг котиби, атоқли адиб Абдулла Абишев, Узбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Умарали Норматов, адабиётшунослар Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжаев, Раҳматилла Иноғомов, шоирлар Рауф Толиб, Шавкат Туроб, Журъат, Иброҳим Туркий, Баҳодир Собит, Абдулла Аймак ва бошқалар Туркистон улуғлар юрти эканлиги, Абай ана шу зоти шарифлар силсиласида ўзига хос ўрин тутишини ҳаяжон билан сўзладилар. Шу куни Абай шеърлари Навоий ғазалларига уланиб кетди. Айниқса, Абайнинг: «Навоий менинг устозим бўлади», деган сатрлари йиғилганларнинг олқишларига сазовор бўлди. Зеро, Турон фарзандлари бир-бирига устоз, бири-бирига шогирд, қуда-қудағайки, бу илдизи бир буюк дарахт эканлигимиздан дарак беради. Айниқса, кекса мусаввир Мўлдабек Қолдибеков: «Иттифоқчиликда, қавм-қариндошчиликда яшаб келганмиз, бундан кейин ҳам шундай яшаймиз. Бизни ажратувчи ҳеч бир куч дунёда йўқ», деган сўзлари йиғилганларнинг ҳар бирининг дил сўзларидек жаранглади.

Эртага Қозоғистон Республикасида Узбекистон кунлари бошланади. Бу айни пайтда нафақат маданиятимиз, адабиётимиз, илм-фан ривожи, мустақиллик берган бахтимизнинг намойиши бўлади, балки қон-қардошлигимиз, жон-жондошлигимизнинг ҳам улуғ байрами бўлажакдир.

Бир дарёдан сув ичиб, бир яйловда тулпор суриб, сурув ёйиб яшаб келган халқларимизнинг ибратли нақли бор: «Бирлашган дарё бўлур». Биз шундай қудратли дарёмизки, унинг ҳар бир мавжи дилимиз тўлқинига эшдир. Бу дарё мангу ҳайқириб оқажакдир. Турбатдаги йиғин мана шуни аниқ ифода этди.

Темур ТИЛЛО.

СУРАТЛАРДА: Турбат қишлоғидаги адабий учрашув қатнашчиларидан бир гуруҳи.

МИРТЕМИР,
Ўзбекистон халқ шоири.

ГУЛ КЎЧАТ

(Қисқартириб босилмоқда)

Оқсоқол, соғ бормисиз,
тинч-омонми элу юрт,
Бўзларда кузлик қалай,
қор қалай Олатовда,
Мўлми айрон, мўлми сут,
мўлми қимрон, мўлми қурт,
Тўрт турлигинг тугалми
тоғ ораси — яйловда?
Қўзиларинг маърашиб,
қулунлар кишнашдами,
Қалай Қарағанда-ю
қора гавҳар, жез конлар,
Юртдошлар ботирлардай
тер тўкиб ишлашдами,
Бу йил ҳам Олатовдай
уюлгайми хирмонлар?
Қўноққа чақирибсиз,
ардоқлабсиз, юз куллуқ!
Тупроғингизга қўндик,
ўрайи келиб бугун,
Дўстлик дастурхонига
кирмасин ҳеч теват сук.
Арзимас совғам ҳам бор,
на сават бу, на тугун,
Ғижинг арғумоқ эмас,
тўн ёки белбоғ эмас.
Ё кундуз бўрк, ё қамчи,
Ё женгайга кўйлаклик,
ё чўлпи, болдоқ эмас,
Ё йилқичи бобойга
чоюю, чилвир арғамчи;
Йўқ, сизга ола келдим
гул кўчат бу — бир бойлам,
Биламан, юртингизда
гулзорнинг йўқ саноғи
Ва лекин бундақаси
эҳтимолки сизда кам,
Очилганда дейсизки,
бўй қизнинг қўш ёноғи...
Булар жонон Фарғона,
жонон Сир қирғоғидан,
Сиздан сир тутиб нетай,
Ужмоҳ кўрк Наманганнинг
янги, сўлим боғидан...
Ўзим ўтқазиб кетай
Бемисол Олмаотанинг
тенгсиз хиёбонига,
Қозғурт этаклари-ю
юз сой қирғоғига ҳам.
Қарқара қирларига
ҳамда Бош майдонига,
Туркистон боғига ҳам...
Айтиб қўяйин бироқ:
Агар бу гул кўчатлар
илк кўклам уйғонмасдан,
Кўкламнинг нақ ўзидай
барқут барглар ёзмаса,
Илк ёмғир алласида
етти ранг ёй ёнмасдан,
Юртингизнинг кўркини
кўрк билан тўлғазмаса,
Ғунчалар кўзингизни
ўйнатолмаса агар,
Очилиб сочилса-ю
ва лекин ҳидсиз бўлса,
Дилингизга дарёдай
меҳр солмаса агар.
У вақт хабар бер дарров,
кўпорғайман битталаб,
Боқмагайман на боғбон
на боғ қоровулига,
Тагларидан ўт қалаб,
Кулларни учиргайман
саҳронинг довулига...
Лекин бундақа кўчат,
тоғай, камёб жаҳонда,
Парвариш қил ҳар кўклам
очар саноқсиз ғунча.
Асли Ўзбекистонда,
насли Қозоғистонда,
Сўлмагай ва ўлмагай,
тургай жаҳон тургунча!

СУРАТДА: Ўзбекистон халқ шоири Миртемир қозоқ ижодкорлари билан.

Сўз — қатнашчиларга

ЎЗЛИГИМИЗНИ ТАНИШДАГИ МУБОРАК ҚАДАМ

Одил ЁҚУБОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

— Тарихга қарайман. Бир томонда буюк Чин, бир томонда буюк Ҳинд... Буюк Турон уларнинг силсиласида ўз ўрнига эга қудратли давлат эди. Соҳибқирон Амир Темур бобомиз асос солган Туронзамин барчанинг диққат эътиборида эди. Бу бепоён ҳудудда ота-боболаримиз миллат суриштирмасдан, кимлигини, қаердан келиб чиққанлигини бир-бирига рўкач қилмасдан оға-инилардек яшаган эди. Оташин шоиримиз Ҳамид Олимжон айтганидек «Қозоқ онасининг айтган алласига ўзбек боласи ҳам ухлаган».

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг II сессиясида Президентимиз Ислом Каримов шундай дедилар: «Тасаввур қилингки, ота юртимиз Туркистон — катта бир уй, буюк бир рўзғор, буюк бир оила. Бу оила фарзандлари қанчалик яқин ва аҳил бўлса, рўзғор ҳам шунчалик обод ва тўкин бўлади».

Бугун дили бир, ери бир, ниятлар бирдек олижаноб икки халқ дийдорлашмоқда. Бугун катта дастурхон атрофида ўланлар айтилади, алёрлар янграйди, қадим тарихимиз бирбир варақланади, асрий қондошлигимиздан диллар шукуҳга тўлади. Тарихий обидаларга қараб, нақадар улуғ, нақадар зукко халқимиз борлигидан кўксимиз тоғдек юксалади. Хожа Аҳмад Яссавий барча туркий халқларнинг пири бўлганидек, обидаларга қўйилган ҳар битта ғишт ҳам барчамизникидир. Минораи Калоннинг асл номи Арслонхон минорасидир. Ривоят қилишларича минорага ишлатилган лой туя сутига қорилган экан. Шундай улуғвор минорани қардошлигимиз мағрур тутиб турибди, десам тўғри бўлади.

Қозоғистон Республикасида ўтадиган Ўзбекистон кунлари ягона уйимиз — Туркистоннинг муҳташам биноси мустаҳкамлигига қўйилган олтин ғиштдир, ўзлигимизни танишдаги яна бир муборак қадамдир.

ЮРАКДАГИ ТУЙҒУ

Тоҳир МИРЖАЛИЛОВ,
Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси президенти:

— Тарихда кўплаб яшаб ўтган алломаларимиз Ал-Форобий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний ва бошқаларнинг қолдирган қутлуғ меросини ўқиб-ўрганиб туриб бир нарса юрагимдан яшиндек ўтади: улар бутун Туркистон халқининг фарзандлари эди. Улар яратган барча ёдгорликлардан қозоқ ҳам, тожик ҳам, туркман ҳам, ўзбек ҳам, қирғиз ҳам бирдек баҳраманд бугун.

Қозоғистон Республикасида Узбекистон кунлари олдидан нималарни ўйладим? Аввало, қозоғистонлик ҳамкасбларимиз бўлмиш мусаввирларнинг ҳаёти билан, ижодлари билан атрофлича танишмоқчиман. Яна ўйлаб юрган бир орзум бор. Утган йили бўлиб ўтган «Осиё-арт» кўргазмасини эсласангиз керак. Худди шундай кўргазмани «Турон-арт» ёки «Туркистон-арт» номи билан ўтказсак дейман. Унда Марказий Осиёдаги беш республиканинг мусаввирлари ўз асарлари билан иштирок этади. Қозоғистонлик ҳамкасблар билан шу ҳақда ҳам маслаҳатлашиб оламиз.

Мусаввирларнинг юрагидаги гаплар асосан бўёқлар билан ифода этилади. Юрагимизда эса асрлардан бери мерос бўлиб келаётган бир туйғу бор. Дўстлик, биродарлик, ҳамкорлик. Бундан кейин ҳам ҳаётимиз шундай кечишига аминман. Уз асарларимизда шуни ифода этсак — бахтимиз.

КУЙ-ҚЎШИҚЛАР ЯНГРАСИН

Фаррух ЗОКИРОВ,
Ўзбекистон халқ артисти, «Ялла» дастасининг бадиий раҳбари:

— Ҳар гал ижодий сафарларга боришдан олдин жиддий тайёргарлик кўрамиз. Қозоғистон Республикасида бўлиб ўтадиган ўзига хос имтиҳонга йигитларимиз билан алоҳида тайёргарлик кўрдик. Чунки қозоғистонлик қўшиқ шайдоларига энг яхши дастуримизни туҳфа этиш ниятидамиз.

Қозоғистонда ҳам эл оғзига тушган, кўплаб элларни мафтун этган мусиқий дасталар, хонандалар жуда кўп. Машҳури жаҳон Роза Бағлонованинг, Қулаш Бойсеитованинг оҳанграбо овозини унутиб бўладими? Халқ артисти Ермак Серкабоевнинг бетакрор қўшиқларичи? Ёки ўзбек ва қозоқ томошабинларига бирдек суюкли бўлган Қозоғистон халқ артисти Роза Римбаеванинг қўшиқлари қайси хонандадан кам? «Гуллар» дастаси ҳақида ҳам соатлаб гапириш мумкин!

Туронзаминимиз ягона, осмонимиз ягона. Шу осмонни тўлдириб куй-қўшиқларимиз мудом янграсин!

БИР ЗАМИН ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Ёқуб АҲМЕДОВ,
халқ артисти, Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри директори:

— Маълумки, театримиз Мухтор Авезов номидаги қозоқ давлат драма театри билан мустаҳкам ижодий алоқалар боғлаган. Қозоғистонлик атоқли санъаткор, Қозоғистон халқ артисти Озарбайжон Мамбетов театримиз саҳнасида бир неча томошалар саҳналаштирган. Демоқчиманки, биз чинакамига отахон шоиримиз Ғафур Ғулом айтганидек, «Бири-бирига шогирд, бири-бирига устоз» бўлиб кетганмиз.

Узбекистон кунлари давомида яна қадрдонларимиз билан учрашамиз. Ижодий баҳсларимиз авжига чиқади.

Алматида иккита спектакль намойиш этамиз. Ўйлайманки юксак дидли қозоқ томошабинларига томошаларимиз манзур бўлади.

Биз Туронзамин фарзандларимиз. Шундай экан ака-ука, қондош-жондошларнинг дийдорлашуви шу заминнинг гуллаб-яшнашига хизмат этади, албатта.

ОҲАНГЛАР СЕҲРИ

Улуғбек МУСАЕВ,
Ўзбекистон Композитор-бастакорлар уюшмасининг раиси:

— Ҳар бир халқнинг маданиятини унинг миллий мусиқасисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Бу борада қозоқ биродарларимиз ўзига хос миллий мусиқа мактабини яратган десам лоф бўлмайди. Чиндан ҳам буюк халқ бастакори Қурмонғози яратган сирли ва латиф оҳанглар жилосини нима билан тенглаштириш мумкин?! Бу жилолар тенгсиз. Уларда Қозоғистоннинг бепоён яйловлари сеҳри, қозоқ халқининг юрагидаги беадад меҳри жо бўлган.

Бугунги кунда номи оламга машҳур Эркагели Раҳмадиев, Газиза Жубанова, айниқса иқтидорли бастакор Телес Қожғалиев яратган биридан бири завқли, биридан бири гўзал асарларни тинглаб тўймайди киши.

Узбекистон кунлари давомида қозоғистонлик бастакор дўстларимиз билан қизғин суҳбатлар бўлиши аниқ. Бу суҳбатлар изсиз кетмайди, албатта. Юрагимда эса бир оламга татигулик орзу: яратган бетакрор қўшиқларимиз бепоён Туронзаминни тўлдираверсин. Ахир ижод қилишдан асл мақсад шу-да.

Ғолиб МИРЗО ёзиб олди.

Қардошлик гулдастаси

ЖАННАТ ЧАМАНИМ

Худойим оламни яратган чоғда,
Илоҳий бир назар тушмишдир сенга.
Бахтимдан ўргилай, эмасман доғда,
Шу замин ватан бўп қолмишдир менга.

Идрис Наби, Илёс, Аҳмад Яссавий,
Дуосидан чечак отган тупроғим,
Лутфулла, Сарёмий, Қози Байзовий,
Изларидан иқбол топган тупроғим.

Оламда ном тутган жаҳонгир Темур,
Яссавий пойига эгди бошини!
«Қиблаи дуом» деб туркона ғурур,
Мақбара тиклашга қўйди тошини.

Кутбиддин, Форобий, Аҳмад Югнакий,
Номларин элларга танитдинг шаксиз.
Байдебек, Тўлабий, Юсуф Сарёмий,
Тарихинг сатҳидан ўчмайдиган из.

Заминнинг бепоён жаннат чаманим,
Сенда бор ўзгача мафтункор жамол.
Қозоғим, ўзбегим, қирғиз, туркманим,
Тожигим меҳрингдан топарлар камол.

Қайси кунларимдан гуноҳга ботиб,
Ўтмишим унутдим, ўзим билмадим.
Сохта шуҳрат учун ўзлигим сотиб,
Чекканим дард бўлди, севинч билмадим.

Мозийга қайтмоққа топмайин имкон,
Узоқ йил нолангни эшитдим фақат.
Сен билан йиғлардим, ёнарди вужуд,
Начора, барига айлардим тоқат.

Кўзимга тортилган қалин пардалар
Йиртилди, танидим, дўстим, улфатим.
Сабоқдир, ҳаётда чеккан зарбалар,
Иншооллоҳ, бўлмас энди кулфатим.

Ким билмас номингни жумла жаҳонда,
«Буюк Ипак йўли» Турон эшиги.
Азиз авлиёлар қадами теккан,
Ерларинг азалдан иқбол бешиги.

Иброҳим ТУРКИЙ,
Чимкент.

Ҳикмат — бир ҳовуч олтин

ҚОЗОҚ ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

• Кўз етмаган жойга сўз етади.
• Эр йигит эл учун туғилиб, эл учун ўлади.

• Яхши отнинг ёдини сақлагунча,
Яхши дўстнинг орини сақла!

• Қулоқдан кирган совуқ сўз, кўнгилга бориб муз бўлар.

• Арғумоқ бирда ёлли, бирда ёлсиз,
Эр йигит бирда молли, бирда молсиз.

• Бўладиган элнинг болалари
Бирини бири «ботир» дейди.
Бўлмайдиган элнинг болалари
Бирини бири «хотин» дейди.

• Дўстингнинг пичоғида мугуз кес,
Душманингнинг пичоғида кигиз кес.

Набoтот оламида

ЁРДАМ КУТАЁТГАН ГИЁҲЛАР

Қадимда доривор ўсимликлар дамлама, қайнатма, кукун ва суртма ҳолида ишлатилган. Уларнинг шифобахш хусусиятлари гиёҳларнинг таркибидаги фаол моддалар билан боғлиқлиги ҳақидаги фикр ҳали номаълум эди.

Марказий Осиё заминидаги ўсимликлар таркибидаги алкалоидлар асримизнинг ўттизинчи йилларидан текширила бошланган. Дастлаб рус кимёгари А. Орехов асос солган Москвадаги Бутуниттифоқ кимё-фармацевтика илмий-текшириш институти қошидаги алкалоидлар кимёси лабораторияси ҳамда шу лабораторияда таҳсил олган машҳур кимёгар олимларимиз, бўлғуси академиклар С. Юнусов, О. Содиқов ташкил этган, шунингдек ўзлари бош-қош бўлган лаборатория ва институтларнинг бу соҳадаги ишлари самараси катта бўлди. Ўсимликшунос олим Т. Одилов ҳисобига кўра текширилган 433 ўсимликнинг 360 тасида алкалоидларнинг мавжудлиги аниқланди. Биз олиб борган изланишлар натижасида тоғлардаги жами 5400 ўсимликдан ортиқроғи текширилиб, уларнинг 1330 дан ортиқроғида алкалоидлар мавжудлигини аниқладик. Бу моддалар ўсимликнинг деярли ҳамма аъзоларида — илдизда, танасида (поя), баргида, гулида, мевасида ва ҳатто пўстида ҳам мавжуд.

Ҳар қандай доривор модданинг ортиқчаси заҳар бўлгани каби, алкалоидларнинг аксарияти заҳарли ҳисобланади. Масалан, Африкада ўсадиган айрим ўсимликлар (кураре) таркибидаги алкалоидлар ҳатто танани фалажлаб қўяди. Таркибида бундай моддалар бўлган ўсимликлар бизнинг заминда ҳам мавжуд. Испарак ва парпи турлари шулар жумласидандир. Лекин ўша заҳар-заққум ўсимликларнинг алкалоидлари ҳам маълум миқдорда шифобахш хусусиятга эга. Бунга мисол тариқасида Тиён-Шон ва Жунғор Олатовида ўсадиган парпи турини кўрсатиш мумкин. Ундан ажратиб олинган алкалоид — лаппаконитинни юрак аритмиясига қарши дори эканлиги аниқланиб, бу модда аллапинин номи билан Тошкент ва Чимкент дори заводларида ишлаб чиқарила бошланди.

Собиқ Иттифоқ заминида қўлланишга тавсия этилган 2800 дан ортиқ доривор моддаларнинг 1000 дан зиёдроғини асосан ўсимликлардан олинганлигининг ўзи ҳам наботот оламининг бойлиги ва аҳамияти натижасидир. Мавжуд табобатга оид адабиётларда ҳам 230-250 атрофидаги ўсимлик тури илмий табобатда қўлланиб келинаётганлиги қайд этилган. Ўзбекистон набототидаги 4500 га яқин ўсимликнинг 570 дан ортиқроғи профессор Х. Холматов эътирофича шифобахш хусусиятга эга бўлса ҳам улардан фақат 50 тасигина амалий тиббиётда ишлатиляпти, холос.

Кейинги пайтда матбуотда эълон қилинган маълумотларга кўра республикамизда қўлланилиши лозим бўлган жами 3000 дан ортиқ номдаги доривор моддаларнинг атиги 5 фоизигина ўзимизда ишлаб чиқарилаётганлиги ачинарли бир ҳолдир. Умумий дори маҳсулотининг 55 фоизи Россиядан, 22 фоизи Мустақил Ҳамдўстлик давлатларидан, 20 фоизи эса хориждан келтирилаётган экан. Ваҳоланки, биргина ўсимлик моддалари кимёси институтида Марказий Осиё ҳудудида тарқалган ўсимликлардан 4500 дан ортиқроғида алкалоидлар, 150 дан зиёд ўсимликда гликозидлар, 200 дан кўпроғида ўсимлик мойи, 250 дан ортиқроғида кумарин ва флавоноидлар, 240 ўсимлик таркибида карбон кислоталар (углеводлар) борлиги аниқланган. Шу моддалар билан бирга сунъий равишда олинган жами 1250 дан зиёд моддаларнинг фаоллик хусусияти доришунос мутахассислар томонидан ўрганилган.

Лекин бу текширилган ўсимликлар ва улардан ажратиб олинган моддаларнинг ҳаммаси ҳам шифобахш деган маънони билдирмайди, албатта. Чунки ажратиб олинган табиий моддаларнинг айримларигина биологик фаоллик таъсирига эга. Фаол деб ҳисобланган моддалар лаборатория шароитида текширилиб, сўнгра илмий равишда асосланиб, амалий тиббиётга тадбиқ этилгунча бемалол 10-15 йил вақт ўтиб кетаяпти. Сабаби бўлғуси доривор ўсимлик (модда) асосан 3 соҳа — кимёвий, фармакологик ва клиник текширишлардан «омон-эсон» ўтиб бўлгандан кейингина амалиётда қўлланишга йўлланма олади. Янги доривор модданинг хом ашёси етарли миқдорда бўлишини тақозо этади.

Янги доривор модда юқорида айтганимиздек мавжуд талабларга етарли жавоб ҳам берди дейлик, энди сўнгги мезон ўша модда хом ашёсининг мавжудлиги, хом ашёни етказиб берувчи ташкилот ҳамда уни қайта ишлаб, истеъмолга чиқарадиган муассаса ҳам зарур. Шундай экан дори заводларда ишлаб чиқарилиши керак. Аксарият янги дорига бўлган талаб ҳамма вақт юқори ва бу эҳтиёжни қондириш учун кам деганда бир неча тонна (баъзан юзлаб) хом ашё зарур. Бундай миқдордаги хом ашёни лаборатория шароитида қайта ишлаб дори олиш учун имконият бўлмайди. Шунинг учун оралиқ жараён — янги маҳсулотни завод шароитига яқинроқ бўлган (технологик) шароитда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва сўнгра унинг натижасини заводга тадбиқ этиш зарур.

Шу асосда дастлаб янги дори учун «Муваққат техник шароит», сўнгра уни кенг миқёсда ишлаб чиқариш учун зарур ҳужжатлар — «Муваққат фармокологик мақола» ва «Фармакологик мақола»лар тузилади. Бу ҳужжатларда асосан хом ашё (ўсимлик)нинг қисқача тавсифи, дори олинадиган қисмининг (ўсимлик илдизи, пояси, барги, гули, меваси) анатомик тузилиши, моддани кимёвий тарзда ажратиб олиш усули, унинг кимёвий ва физикавий хоссалари, фармакологик таъсири ишлаб чиқариш (лабораторияда, заводларда) жараёни ва бошқа маълумотлар берилади. Бу ҳужжат республиканинг тегишли идоралари томонидан кўриб чиқилиб тасдиқланади ва ниҳоят у қонуний ҳужжатга айланади. Янги дорини ишлаб чиқарувчи ташкилот ҳам, маҳсулотни етказиб берувчи хўжалик ҳам ўз ишларини ана шу қонуний ҳужжат асосида олиб боришлари лозим.

Каримжон ТОЙЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академияси Ботаника институти
тажрибахонаси мудири.

— Ўзбекистон Кинематографчилар уюшмасининг «Грифон» мукофоти мультипликатор Нозим Тўлахўжаев суратга олган «Ислом тарихи» фильмига берилди.

— «Ислом тарихи» мультфильми ҳақида сўзлаб берсангиз, — дея мурожаат қилдик у кишига.

— Бундан уч йилча илгари ушбу мультфильм устида барча ишларни бошлаб юборган эдик. Ростини айтганда, Республикамиз мустақил деб эълон қилинганидан буён болаларга бағишланган кўп қисмли телевизион мультфильмлар яратиш имконияти туғилди. Барчамиз Ислом дини ҳақида тушунча ва тасаввурга эгамиз. Лекин мен унинг пайдо бўлиш тарихини оммавий, ранго-ранг мультфильмда ифодаламоқчи бўлдим. Сабаби кичкинтойлар воқеа-ҳодисаларни бадиий тасвирлар орқали яхши қабул қилишади. Бу эса уларнинг билимларини янада бойитиши шубҳасиздир, албатта. Айтиш мумкинки, «Ислом тарихи» фильми тарихий-маърифий мавзудаги картинадир. Шу билан бирга у фақатгина Марказий Осиё болаларига эмас, балки Европа ва жаҳоннинг барча халқлари болаларига Ислом дини ҳақида кенгроқ тушунчага эга бўлиш имконини беради.

Фильмнинг бутун сериали уч қисмдан иборат. Унинг биринчи қисмида Муҳаммад алайҳиссаломгача бўлган пайғамбарлардан олтитаси — Одам, Нуҳ, Иброҳим,

Ижодий жамоаларда

ШОДЛИК УЛАШИБ

Юсуф, Мусо, Исо алайҳиссалом ҳақида ҳикоя қилади. Бу ҳикоя 10 та қисмни ўз ичига олади. Фильмнинг иккинчи қисми Муҳаммад пайғамбарнинг ҳаёти ҳақида. Учинчи қисм эса Ислом динининг пайғамбаримиздан кейинги то бизнинг кунгача бўлган тарихига бағишланади.

Умуман олганда фильмда турли жангу жадаллар, юришлар, донишмандлар, қаҳрамонлар ҳақида ҳикоялар бисёр. Биз Миср Араб Республикасига бориб келдик. У ердаги Ал-Азҳар университети ходимлари ишимизга кўпдан-кўп ривож тилаб қолишган эди. «Узбегиминтернейшнл» фирмаси эса фильмимизга ҳомийлик қилмоқда. Ўйлайманки, 5-6 йилдан сўнг уни муваффақиятли ниҳоясига етказамиз. Унинг сценарий муаллифи ва етакчи рассоми ҳам ўзимман.

— Сизнингча, фильмнинг ютуғи нималарда?

— Унинг устида барча иштирокчилар астойдил меҳнат қилишган. Расмларни постановкачи рассомлар П. Аненков, Т. Хорошевалар жуда ранг-баранг ишлаган. Иқтидорли ижрочи Афзал Рафиқовнинг ҳам овози ана шу фильмга монанд келган. Бастакор ота-ўғил Янов-Яновскийларнинг фильм учун ёзган мусиқалари ҳам кўпчиликка манзур бўлди. Ва шулар билан бирга унинг воқеалар ривожи жуда қизиқарли чиққан.

— Авваллари фильмларда суратга тушардингиз...

— Тўғри. Лекин бу илгари мультипликациядан йироқ эдим, деганим эмас. 1978 йилдан бери «Саҳродаги кул», «Олма ҳақида эртак», «Кучукча ва етти гозлар», «Майсалар», «Ёқимли ёмғир» каби бир қанча мультфильмлар яратганмиз. Дарвоқе «Ёқимли ёмғир» мультфильми 1984 йилда Германияда бўлиб ўтган танловда «Олтин кабутар» нишонига, Испанияда кумуш совринга, Югославия, Англия, Японияда эса махсус совринларга сазовор бўлган.

Назокат УСМОНОВА
суҳбатлашди.

СОҲИБҚИРОННИ ЁД ЭТИБ

Яқинда «Боғи Эрам»да «Амир Темурни ёд этиб» деб номланган адабий-мусиқий кеча ўтказилди. Унда таниқли шоир ва ёзувчилар, тарихчи олимлар ва санъаткорлар иштирок этдилар. Шоирлар Тўра Мирзо, Назармат Эгамназаров, Тўра Жуман, Маъруф Жалилнинг жўшқин шеърлари, филология фанлари доктори Абдуқодир Ҳайитметовнинг буюк саркарда ва давлат арбоби ҳақидаги қизиқарли маърузаси йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Абдуманнон Муродуллаев раҳбарлигидаги созандалар гуруҳи, «Суғдиёна» ашула ва рақс дастасининг санъаткорлари ўз маҳоратлари билан кечага ўзгача файз бағишладилар.

Ўша куни муаззам «Боғи Эрам»га соҳибқироннинг машҳур боғларидаги каби такрорланмас тароват киргандек бўлди.

Абдулла ТОЛИПОВ.

Ёшлар — келажагимиз деб бекорга айтмаймиз. Чунки эртанги кунимиз, юртимизнинг келажаги уларнинг меҳнатига, иқтидорига, интилишига боғлиқ. Бугун ўрта мактабни тугатиб, эртага ҳаётга йўлланма оладиган бу қизларнинг юртимиз фидойилари бўлиб етишишига ийимонимиз комил.

Равиль Альбеков олган сурат.

ҲАЙВОНОТ ОЛАМИДА

БОШИНГИЗНИ ЯШИРИНГ

Марказий Осиёнинг жазирама чўлларида, жумладан юртимизда ҳам хиолома зотига мансуб кана яшайди. Ана шу бўғимоёқли жониворда биологик радиоалоқа қиладиган аъзолари борлиги аниқланган. Олимларнинг кузатишларича бундай каналар ўз ўлжасини кутиб турмасдан фаол равишда уни излар экан. Учраб қолган одамнинг кетидан қолмасдан югурар, ҳатто ҳар хил тўсиқлар ортига беркиниб олганда ҳам ўз ўлжасини топар экан. Лекин қизиғи шундаки, автомашина ичига кириб олган одамни йўқотиб қўяркан. Бордию у киши машина деразасидан бошини чиқарса, шу заҳотиёқ кана у томон югуриб бораркан. Шунга кўра каналар инсон бош миясидан тарқаладиган нурларни сезиш қобилиятига эга, деган тахмин қилинмоқда.

Мутахассисларнинг айтишича мазкур турга мансуб барча каналарнинг олдинги оёқ бармоқларида галлер деб аталувчи аъзоси бўлиб, у чуқурча шаклидадир. Бу аъзонинг тагида бир неча ўсимталар жойлашган.

Хиолома тепаликка чиққач олдинги оёқларини юқорига кўтариб, радиолокатор каби ҳаракатга келтиради. Агарда кананинг оёғи кесиб ташланса, у ушбу хусусиятини йўқотади. Лекин олдинги оёғи омон қолган тақдирда ўз ўлжасини бемалол излаши мумкин. Бундай ғалати ҳодиса сабаби ҳали узил-кесил аниқланмаган бўлса-да, бўғимоёқлилар инсон миясидан тарқаладиган қандайдир нурларни қабул қилиш қобилиятига эга эканлиги аён бўлди.

ҒАРОЙИБ ҚУРБАҚАЛАР

Америкада тарқалган куракоёқ қурбақасининг биологик хусусияти қизиқ экан. У ўз тухумини тез қуриб қоладиган кўлмак сувларга қўяди. Қурбақа тухумларидан икки хил итбалиқлар чиқади. Биринчи хил итбалиқлар одатдагидек ўта майда бўлиб, умуртқалилар ёки ўсимлик барглари билан озиқланади. Иккинчи хил итбалиқлар эса анчагина йирикроқ бўлиб, ўзларининг туғишган ака-укаларини ейиш билан кун кечиради.

Бир қарашда тааажжубланарли бўлиб кўринган бундай ҳодиса айни тур учун умуман фойдали ҳам экан. Гап шундаки, яшаш шароити яхши бўлган пайтлари биринчи хилга мансуб итбалиқлар ривожланиб, тараққиёт даврини якунлайди, сони кўпаяди. Бордию кўлмак сувда озуқа етарли бўлмаса унда барча жониворлар қирилиб кетади. Ўз туғишганлари билан озиқланадиган иккинчи хил итбалиқлар эса омон қолади. Австралиянинг Квинсленд штати зоологлари ҳам ажойиб бир қурбақани топишибди. Қизиғи шундаки, унинг урғочиси ўз тухумини сувда эмас, балки ошқозонида сақлар ва қирқ кундан сўнг тирик итбалиқларни оғзидан чиқариб ташлар экан. Бу муддат давомида қурбақа умуман озиқланмайди.

ЧАЁН ҚАНДАЙ ЎЛАДИ?

Чаёнларнинг ўзини-ўзи ўлдириши ҳақида кўп эшитганмиз. Одатда бундай ҳодисани асослаб бериш учун қуйидагича тажриба ўтказиш мумкин. Ёниб турган кўмир чўғини айлана шаклида териб чиқилади ва унинг ўртасига чаён қўйиб юборилади. Оташ ҳалқасидан чиқиб кетишга бир неча бор муваффақиятсиз уринишлардан сўнг жон талвасасига тушган чаён дум учидаги заҳарли найзасини ўз баданига санчиб ҳалок бўлар эмиш. Лекин шу нарса аниқки, чаённинг заҳарли ниши унинг устидаги косасини тешиб ўтолмайди. Бу нарса тажрибаларда аниқланган. Бундан ташқари барча заҳарли ҳайвонлар сингари чаёнларда ҳам ўз заҳарига қарши иммунитет борлиги аниқланган. Аслини олганда чаён оташ ҳалқасига тушгач аланга таъсиридан ҳалок бўлади.

Яҳё ДАВЛАТОВ,
биология фанлари
доктори.

Ҳамшаҳарларимиз

УМРИ ЧИНОР ОТАХОН

Ҳаётда шундай инсонлар борки, уларнинг ибратли умр йўллари ҳақида катта-катта китоблар битилса ҳам камлик қилади. Кўкси орден-медалларга тўла нуроний кексаларимиз билан суҳбатлашишнинг ўзи бир бахт, чунки улар яқин тарихимизнинг тирик гувоҳлари ва қатнашчилари ҳамдирлар. Вақт ғанимат. Бугунги дориломон кунларни яқинлаштириш учун катта машаққатлар чеккан, ҳаловатсиз даврларни бошдан кечирган оталаримиз, боболаримизни ардоқлаш, дуоларини олиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Юнусобод туманидаги «Уста Ширин» маҳалласининг энг нуроний кексаси, 95 ёшли Қудратилла ота Ортиқовнинг ҳузурида бўлганимизда хаёлдан шундай фикрлар кечди.

— Замонамизга шукр, — дейди бобо. — Эҳ-ҳе, не-не даврларни кўрмадик биз, болам. Октябрь тўнтариши бўлган 1917 йилда 13 ёшли бола эдим. 6 ёшимдан қишлоғимиздаги эски мактабда араб алифбосида савод чиқарганман. Сўнгра Бухоро шаҳридаги дорилмуаллимлар курсини битириб ўқитувчи бўлдим. Лотин алифбосига ўтилгач, Самарқандда қайта ўқиб, ишимни давом эттирдим. Ўзбекистон Марказий Ижроқуми бўлими мудиригача бўлган лавозимларда фаолият кўрсатиб, 1934-1937 йилларда ҳукумат топшириғи билан Бухоро вилояти, Қизилтепа туманида пахта тайёрлаш бўлимининг бошлиғи бўлдим. Эҳ, болам, жудаям таҳликали, қалтис даврлар эди, ўшанда. Бир пайтлар Файзулла Хўжаевнинг укаси Ибот Хўжаев билан бирга ўқиган эдим. Унинг уйида акаси Файзулла Хўжаев билан ҳам учрашганман. Мени ҳибсга олишлари учун худди шу нарса жуда катта баҳона бўлган. Ёшлигим туфайли 10 йил қамоққа ҳукм қилингандим. 3 йилу 3 ой азоб чекиб, ниҳоят оилавий аҳволим, ҳаракатларимда бирорта жиноят ҳаракатлари йўқлиги ҳисобга олиниб, 1941 йилда озод этилдим. Кўп ўтмай уруш бошланди. Кўнгилли бўлиб фронтга юборишларини сўраб ёзган 3 та аризам қайтарилди. Ниҳоят, 1942 йилда фронтга юборилиб, Сталинград остонасидаги жангларда қатнашдим. Кўрсатган жасоратларим муносиб тақдирланди. Урушдан қайтгач, ишни катта-кичиги демай меҳнат қилдим...

Ҳа, олтинни лойга қорган билан баҳоси пасаймаганидек, Қудратилла ака узоқ йиллар қилган ҳалол меҳнати, инсонийлиги билан эл ичида обрў-эътибор қозонди. Намунали, барча ҳавас қилса арзийдиган оилага бош бўлди. Қизлари — Мамлакат, Дилбар, Раъно, ўғли Ғайратжонлар ҳам ўқимишли, етук инсонлар бўлиб, халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлаб, худди оталари каби обрў-эътиборга сазовор бўлганлар.

Пиру бадавлат отахон Қудратилла аканинг кўксини қўплаб нишонлар безаб турибди. 15 та набира, 20 нафар эвараларининг севимли бобожони Қудратилла Ортиқов фароғатли кексалик гаштини сурмоқда.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.

Пойтахтимиздаги «Баҳор» модалар ательеси бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари каби ўтган йили хусусийлашган эди. Мана шу ўтган қисқа муддат ичида жамоада нима ўзгарди? Жамоанинг ҳозирги кунда меҳнатга бўлган муносабати қай аҳволда? Жамоатчи мухбиримиз ана шу ва бошқа саволлар билан модалар ательеси мудири Азиза Ғуломовага мурожаат қилди.

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

АСОСИЙ ҲАКАМ—БУЮРТМАЧИ

— Ательемиз хусусийлашгандан кейин жамоанинг аҳолига хизмат кўрсатиш услуби тубдан ўзгарди. Муҳими бундан ишчи ва хизматчиларимиз манфаатдорлиги ошди. Натижада илгарилари қарзга ботган ательенинг хусусийлаштирилгандан сўнг молиявий аҳволи яхшиланди. Тикувчилик ишлаб чиқариши оёққа турди. Масалан, шу йилнинг уч ойи ичида халққа 100 минг сўмлик хизмат кўрсатилди. Бундан 30 минг сўм соф фойда олинди. Унинг бир қисми ательени таъмирлаш, буюртмачи қабул қилиш хонасини шинамлаштириш, ходимларга ижтимоий ёрдам бериш, уларнинг ишини рағбатлантиришга сарфланди.

— Буюртмачиларнинг асосий кўпчилигини кимлар ташкил қилади?

— Хотин-қизлар асосий буюртмачиларимиздан ҳисобланади. Лекин эркаклар ҳам бизга мурожаат қилиб туришади. Ёш болаларнинг кийимларига ҳам буюртмалар кўп. Уларнинг ҳар бири ёшига қараб ҳар хил дидга эга. Баъзида буюртмачиларнинг нозик дидларини билиш жуда қийин. Шунга қарамасдан 70 та кишидан иборат жамоамиз бунинг уддасидан чиқишга ҳаракат қилмоқда. Бунда айниқса аёллар кўйлакларини бичувчи Маъфура Тоирова, эркаклар кийимини бичувчи Марғуба Хонхўжаева, Шоҳида Тошмуҳамедова, Маҳфуза Исмоиловаларнинг ҳиссалари катта. Чунки улар бичган материалдан тикилган кийимлар буюртмачилар томонидан биринчи тақдим этилган заҳоти қабул қилиб олинмоқда.

— Шахсий мулкчиликка ўтаётган даврда қийинчиликлар бўлдими? Уларни қандай ҳал қилдингиз?

— Албатта, бўлди. Бироқ биз хусусий мулк усулига ўтаётган вақтда етти ўлчаб бир кесдик, десам ҳам бўлади. Керакли ҳужжатларни ўрганиб чиқдик. Ҳозирги бозор муносабатларининг янги шароитида ишни ташкил қилиш борасидаги керакли чора-тадбирларни ишлаб чиқдик. Юқори малакали бичувчи ва тикувчиларимиз бажараётган энг мураккаб бичимдаги кийимлар буюртмаларини қабул қилиш жараёнига ўзгартишлар киритдик. Бу ерда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, буюртманинг мураккаблигига қараб 3 кундан 25 кунгача бажаришга кафолат берамиз. Шунинг учун асосий эътиборни бичувчи ва тикувчиларни қайта тайёрлашга қаратмоқдамиз.

Бундан ташқари хусусий мулк муносабатларига ўтаётганимизда бошқа ташкилий ишларни ҳам амалга оширдик. Масалан, хом ашё, эҳтиёт қисмлар, дастгоҳ ва бошқа зарур материаллар заҳирасини кўриб чиқдик. Янги хизмат кўрсатиш турларини ҳаётга тадбиқ этдик.

Хусусан хотин-қизлар ва эркаклар кийимларини тикишдан ташқари болаларга аталган маҳсулотларни қабул қилишни ўзлаштирдик. Кийимларни қайта тикиш ҳамда таъмирлашга ҳам буюртмалар олинмоқда.

Ательемиз буюртмачиларни янада кўпроқ жалб қилиш мақсадида ҳозирги кунда кўп ишлар қилинмоқда. Мисол учун ишчиларимиз асосий эътиборни маҳсулот сифатига қаратишмоқда. Хусусий буюртмаларни қабул қилишни кўпайтирмоқдамиз. Шунинг билан буюртмага қўйилган нархни ҳам иложи борича ушлаб турибмиз. Айни пайтда энг мураккаб хотин-қизлар кўйлагини бичиш ва тикиш 230-250 сўм, эркаклар кийими 400-450 сўмни ташкил қилмоқда.

— Бу қилинаётган ишлардан ишчи ва хизматчилар ҳам моддий манфаатдор бўлаётган бўлса керак? Уларнинг ойлик маоши қандай бўлмоқда?

— Ишни янгича режалаштириш билан бирга ходимларимизнинг ойлик маошини ҳам қайта кўриб чиқдик. Шунга кўра буюртманинг ўсиши ва сифатига қараб пул тўлаш усулини қўлладик. Масалан, бир ойлик иш ҳажми 30 минг сўм бўлса, биз бу рақамни 40-70 минг сўмгача етказяпмиз. Шунинг учун ишхонамиздаги ишчи-хизматчиларнинг энг кам ойлиги 500-600 сўмни ташкил этса, баъзи бир тикувчиларимиз 1500 — 2000 сўмгача олишмоқда. Бир сўз билан айтганда, ҳар бир ишчи ўз меҳнатига яраша ҳақ олмоқда.

Суҳбатдош Ирода КОМИЛОВА.

Бўш вақтларингизда

МУАММОНОМА



Энига: 4. Шоирларнинг ҳозиржавоблик маҳорати намоён бўладиган анжуман. 5. Соҳиб Жамолнинг «Гули сиёҳ» асари қаҳрамони. 6. Бирор истакнинг амалга ошишига бўлган ишонч. 8. Ўзбек халқ достони. 9. Мевазор, гулзор маскан. 12. Машҳур ўзбек халқ рақс куйи. 13. Инсон фазилатидаги энг асосий мезон. 14. Зийнат буюми, тақинчоқ. 16. Саид Аҳмаднинг «Жимжитлик» романи қаҳрамони.

Бўйига: 1. Ўз ҳақ-ҳуқуқига эга, ҳур инсон. 2. Раҳмат Азизхўжаев ва Ҳайдар Муҳаммаднинг «Куёвлар танлови» комедияси қаҳрамони. 3. Манзарали экин сифатида ўстириладиган ўт. 7. Алишер Навоийнинг «Саббъаи сайёр» достонидаги жафокаш аёл. 10. «Келинлар қўзғолони» ҳажвий саҳна асари қаҳрамони. 11. XIX асрда яшаб ўтган, Қўқоннинг мумтоз шоираси. 15. Ўзбек халқ рақс куйи.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

ШИНГИЛ ТАБАССУМ

Магазинга харидор кирибди.

— Келинг, келинг, — дея унга пешвоз чиқибди магазиннинг эгаси. — Сизга минус тўққизлик кўзойнак керак эмасми?

— Ҳа, қаёқдан билдингиз?

— Жуда осон: эшик қолиб, деразадан кирганингиздан.

* * *

Харидор:

— Сизда «Қандай қилиб уч ойда бойиб кетиш мумкин?» деган китоб борми?

— Албатта бор, жаноб. Аммо мен унинг ёнига яна битта китобни қўшиб олишингизни тавсия этардим.

— Қайси китоб экан у?

— Жиноятлар кодексини.

* * *

— Кечирасиз, аҳвол жуда чатоқ. Шу яқин ўртада миршабни кўрмадингизми?

— Йўқ, кўрмадик. Нима гап? Тинчликми?

— Жуда яхши. Қани бўлмасам, соатларни ечиб, пулларни чўзинглар.

* * *

Судья:

— Ёлғон гувоҳлик берсангиз нима бўлишини биласизми?

Гувоҳ:

— Ҳа, биламан. Менга «Волга» ваъда қи-

* * *

Ўғли қум ютиб қўйибди. Отаси унга бир неча пиёла сув ичирибди-да, врачга мурожаат қилибди.

— Энди нима қиламан, доктор?

— Энди, энг муҳими — эҳтиёт бўлинг. Болага бир қошиқ ҳам цемент ичира кўрманг.

* * *

Заргар қоровул излади. Ниҳоят, бир номзод учради.

— Кечаси билан бир жойда ўтириб чиқиш керак. Бу анча мушкул. Қийналиб қолмасмикансиз?

— Йўқ, мен яқиндагина турмадан чиққанман.

Асқар МУҲАММАДЖОНОВ
тайёрлади.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

ХАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

22 май – 28 май

ДУШАНБА, 22

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёшлик» студияси. «Тафаккур».
18.40 «Мусиқий дақиқалар». Созанда Абдураҳмон Холтожиев.
18.55 «Хазинамиз таянчи».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Булоқлар кўз очганда».
20.10 «Тилга эътибор».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Япония ҳақида ҳикоялар. «Сакура ва эҳромлар».
21.55 «Олтин мерос». «Тоҳир ва Зуҳра» фильмининг 50 йиллиги. Кинокўрсатув.
22.40 «Жаҳон жанговар санъатлари».
23.10 — 23.35 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 «Таҳлил».
19.10 «Йўлингиз бехатар бўлсин!».
19.40 «Деҳқон ҳиммати».
20.10 «Бизнес-академия».
20.30 — 22.00 «Ҳалқа». Бадиий фильм.

ЎзТВ III

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мульткарусель».
18.55 «Кашф этилаётган имкониятлар».

«ОМАД» таништиради:

19.30 «Совға».
20.00 «4/8». Мусиқий кўрсатув.
20.20 Жаҳон географияси.
21.10 Эълонлар.
21.15 Видео — «О».
22.55 Эълонлар.
23.00 «Курьер».
23.20 «...яна об-ҳаво ҳақида».
23.30 «Постфактум».
23.40 — 24.00 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 «Тиғиз пайт».
18.30 «Турмуш икир-чикирлари». Телесериал.
19.00 «Эркак ва аёл».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45 «Рэкет». Телесериал премьераси. 1-серия.
21.40 — 22.35 «Матбуот-клуб».

СЕШАНБА, 23

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 «Шаҳризоданинг янги эртаги». Бадиий фильм. 1-фильм.
9.05 «Табиат — ҳаёт чашмаси». Кинодастур.
9.30 Немис тили.
10.00 «Кафолат».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 «Ёшлар ва замон».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
12.00 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
12.30 — 13.00 «Ривоят».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. «Қўнғироқча».
18.45 «Телеоператор нигоҳи билан...».
18.55 «Тараққиёт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Навоийхонлик».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Шаҳар бедарвоза эмас...».
22.20 «Доира довруғи». Ўзбекистон халқ артисти Талъат Сайфутдинов.
23.10 — 23.35 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:

18.30 «Мультфейерверк».
19.00 «Ҳайвонот дунёсининг сирлари».
19.50 Янгиликлар.
19.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
20.40 Видеогид.
21.00 Теле-ательe-шоу.
21.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.50 — 23.30 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мульткарусель».
18.55 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
19.15 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.15 «Бозор иқтисодиёти сабоқлари».
20.45 «Би-Би-Си» янгиликлари.
20.55 «Интерпартнёр».
21.40 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.
21.50 — 22.30 «Соккер-клуб».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.00 — 7.00 «Телетонг».

***

18.00 «Тиғиз пайт».
18.25 «Турмуш икир-чикирлари». Телесериал.
18.55 «Мавзу».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 «Илк манбадан».
20.55 — 24.00 Тирикларни чорлайман. «Энг узун кун». Бадиий фильм (АҚШ, 1962 й.).

ЧОРШАНБА, 24

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 «Шаҳризоданинг янги эртаги». Бадиий фильм. 2-фильм.
9.05 Эстрада тароналари.
9.35 «Ёшлик» студияси. «Яхшиларга эргашиб...».
10.20 «Ҳуқуқингизни биласизми?».
10.40 «Қишлоқ стадионларида».
11.10 — 13.00 «Умидлар йили». Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. «Табиат алифбоси».
18.40 Спорт хабарномаси.
18.50 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг концерти.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Ўзбекистон: буюк келажакнинг ёрқин уфқлари».
21.55 «Ёшлик» студияси. «Умид».
22.55 — 23.20 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. «Ўзим ҳақимда...».
19.00 «Жонли тил».
20.00 «Саломатлик — туман бойлик».
20.45 «Тошкент оқшомида».
21.45 — 23.25 «Кинематограф».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультикарусель».
19.00 «Яшил бойлигимиз».
19.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

«ОМАД» таништиради:

20.20 — 23.20 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.00 — 7.00 «Телетонг».

***

18.00 «Тиғиз пайт».
18.25 «Турмуш икир-чикирлари». Телесериал.
18.55 «Орзу-хаёллар фабрикаси». Кўрсатувни А. Збруев олиб боради.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.50 — 22.00 Славян ёзуви ҳамда маданияти кунларига бағишланган кўрсатув.

ПАЙШАНБА, 25

ЎзТВ I

6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 «Муҳаббат можароси». Бадиий фильм.
9.20 Ўзбек тилини ўрганамиз.
9.50 «Фахрийлар — фахримиз».
10.40 «Халқ ижодиёти». Сибизға садолари.
11.10 «Китоб ва ҳаёт».
11.45 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».
12.20 «Суянч».
12.40—13.00 «Кичкинтой» устахонаси.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. «Сўнгги қўнғироқ».
18.35 Шимкент шаҳар Маданият уйи «Парвоз» ансамблининг концерти.
18.55 «Сиҳат-саломатлик».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Теннис. «Буюк Ипак йўли» Халқаро турнири.
20.20 «Вақт — ҳакам».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «XXI аср бўсағасида».
21.50 «ДЭУ электроникс» — «Узавтосаноат»: «Қўлни — қўлга бериб...».
22.20 «Оҳанглар оғушида». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мирза Тоиров.
22.55—23.20 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:

18.30 «Омад» тақвими.
18.35 «Кўнгил».
18.40 «Жозиба».
19.00 «Бир шингил ҳангома».
19.10 «Муҳаббатга ошно қалблар».
19.30 Теле-ательe-шоу.
19.40 Видео янгиликлари.
20.05 Янгиликлар.
20.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
20.55 «Кинонигоҳ».
22.35—22.55 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10—18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мультикарусель».
18.55 «Ҳуқуқий жамият сари».
19.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.20 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
20.40 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.40 «Сизга раҳмат!».
22.25—23.55 Футбол. Чемпионлар лигаси. Финал. «Аякс» (Голландия) — «Милан» (Италия). Австриядан кўрсатилади.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.00—7.00 «Телетонг».

* * *

18.00 «Тиғиз пайт».
18.30 «Турмуш икир-чикирлари». Телесериал.
19.00 «Эслашлари учун...». О. Даль. Кўрсатувни Л.Филатов олиб боради.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 «Москва, Кремль».
21.05—23.30 Кино асри. Марчелло Мастроянни Федерико Феллинининг «Аёллар шаҳри» фильмида (Франция — Италия, 1980 й.).

ЖУМА, 26

ЎзТВ I

6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 «Алёшканинг севгиси». Бадиий фильм.
9.20 Немис тили.
9.50 «Жараён».
10.50 «Ўқитувчилар, Сизлар учун!».
11.20 «Ёшлик» студияси. «Бир ўлка-ки».
12.10—12.40 «Буни ҳамма билиши керак».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. «Қувноқ дақиқалар».
18.30 «Ишбилармон».
18.55 «Тафаккур ёлқинлари».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Етти иқлим садоси». Халқаро шарҳловчилар давраси.
20.20 «Юзма-юз».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Миллионлар минбари».
22.05 «Назм ва наво». Ҳувайдо лирикаси.
22.50—23.15 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:

18.30 «Болалар оромгоҳлари мавсумга шайми?»
19.10 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
19.50 «Фильмлар ва тақдирлар». Кинокўрсатув.
20.30 «Билиб қўйган яхши».
20.55 «02» тўлқинида.
21.20 «Шаҳар юмушлари».
22.20—22.50 «Бу бўстон аро...»

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультикарусель».
19.00 «Спорт-тайм».
19.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

«ОМАД» таништиради:

20.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари.
20.40 «Панорама».
21.10 Эълонлар.
21.15 «Қирол репортажи».
22.00 «Даракчи».
22.10 Эълонлар.
22.15—23.55 Видео — «О».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.00—7.00 «Телетонг».

* * *

18.20 «Турмуш икир-чикирлари». Телесериал.
18.50 «Мўъжизалар майдони».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45—21.45 «Рэкет». Телесериал. 2-серия.

ШАНБА, 27

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 Юнус Ражабий номидаги халқаро мақомчилар кўрик-танлови ғолибларининг якунловчи концерти.
9.10 «Оламни асранг!»
9.40 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
10.10 «Ислоҳот одимлари».
10.35 «Йиллар ва тақдирлар». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Насиба Қамбарова.
11.10 — 13.10 «Ёшлик» студияси. «Талабалар саҳнасида».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Ўсмирлар учун. «Улғайиш поғоналари».
18.30 Спорт хабарномаси.
18.40 «Ёшлик оқшоми».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Турфа ҳангомалар».
20.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Ўзбекистоним менинг». Тожикистон халқ артисти Жўрабек Набиев.
22.15 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «Нурафшон».
23.45 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
23.55 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:

9.00 «Мультфейерверк».
9.30 «Ҳайвонот дунёсининг сирлари».
10.20 Янгиликлар.
10.25 «Хусусийлаштириш; қадам-бақадам».
10.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.10 Видеогид.
11.30 Теле-ательe-шоу.
11.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.20 «Кинонигоҳ».
14.00 — 18.30 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

*

«Тошкент» студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.10 «Антенна».
19.40 «Плюс ноу-хау».
20.25 «Янги иқтисод». Ишбилармонлар матбуоти шарҳи.
20.40 «Менинг кучам».
20.55 «Хонадонингиз осойишта бўлсин!».
21.55 «Ҳар соҳадан бир шингил».
22.15 — 23.55 «Кинематограф».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 «Айчурек» (қирғиз тилида).
10.40 «Ширу-шакар» (тожик тилида).
11.10 — 11.50 «Замандас» (қозоқ тилида).

* * *

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мультикарусель».
18.55 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
19.20 «Мюзик-холл».
19.50 «Деҳқон даладан қайтди». Қишлоқ меҳнаткашлари учун кўрсатув.
20.50 «Вариацияли мавзу».
21.30 «Бу ажиб дунё».
21.50 «Интердиалог».
22.30 — 22.40 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.25 «Кулги панорамаси». Кўрсатувни Е. Петросян олиб боради.
18.10 «Калла уриб». Кинокомедия премьераси (Франция).
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45 «Рэкет». Телесериал. 3-серия.
21.40 — 23.50 «Монте-Карло-95» соврини. Жаҳон эстрадаси юлдузларининг фестивали.

ЯКШАНБА, 28

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

8.00 Болалар киносеанси.
9.30 «Шоҳруҳ» клуби.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан!» Кўрсатув ва концерт.
11.00 «Санъат олами».
11.30 «Бугун — Кимёгарлар куни». Кўрсатув ва концерт.
12.30 — 14.00 «Маънавият» видеоканали.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.10 Ўсмирлар учун. «Ўйла! Изла! Топ!».
18.45 Дўстлик тароналари.
19.05 «Ойнаи жаҳонда...».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ҳафтанома» (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 «Ватанни севмоқ иймондандур...»
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳафтанома».
21.30 Эълонлар.
21.35 «Қизиқчи-95». Сойиб Хўжаев хотирасига бағишланган кўрик-танлови.
22.20 Теннис. «Буюк Ипак йўли» Халқаро турнири.
22.50 — 23.20 «Ҳафтанома».

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:

10.00 «Омад» тақвими.
10.05 «Кўнгил».
10.10 «Жозиба».
10.30 «Бир шингил ҳангома».
10.40 «Муҳаббатга ошно қалблар».
11.00 Теле-ательe-шоу.
11.10 Видео янгиликлари.
11.35 Янгиликлар.
11.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.25 «Кинонигоҳ».
14.05 — 14.25 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

* * *

17.00 «Совға».
17.30 «4/8». Мусиқий дастур.
17.50 Жаҳон географияси.
18.40 Эълонлар.
18.45 Видео — «О».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Курьер».
20.50 «...яна об-ҳаво ҳақида».
21.00 «Постфактум».
21.10 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).
21.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари.
21.50 «Панорама».
22.20 «Компьютер-Осиё».
22.50 «Автоклуб».
23.10 Эълонлар.
23.15 «Даракчи».
23.25 Эълонлар.
23.30 — 01.10 Видео — «О».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Аэробика.
9.15 «Жонли сайёра».
9.35 Мультфильм.
10.15 «Коллекция».
10.35 «Кинематограф».
12.15 — 12.25 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).

* * *

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
19.05 «Хорижнинг биринчи элчилари».
19.45 «Би-Би-Си» янгиликлари.
19.55 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.55 «Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси».
21.30 «Бу ажиб дунё».
21.50 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.
22.00 — 23.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» — «Нефтчи».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 «Юзма-юз».
18.25 «Тилла шлягер».
19.10 «КВН-95». Мавсумнинг учинчи ўйини.
21.00 «Якшанба». Ахборот-публицистик кўрсатуви.
21.45 — 22.40 «Рэкет». Телесериал. 4-серия.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

НАРХИ 13 ФОИЗДАН 38 ФОИЗГАЧА АРЗОНЛАШТИРИЛГАН

КАМАЛАК — TV

эфир кабель телевидениеси

ДОИМО ХОНАДОНИНГИЗДА — 8ТА ЭНГ ЯХШИ ТВ КАНАЛЛАРИ.

1. Pr. SPORTS — СПОРТ. 2.«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 3. ТВ—6 МОСКВА. 4. РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ. 5. [V]—МУСИҚА. 6.BBC—ЯНГИЛИКЛАР. 7.STAR PLUS — КЎНГИЛ ОЧИШ. 8. CINE PLUS — ФИЛЬМЛАР НАМОЙИШИ.

КИЧИК ПАКЕТИ — 1, 2, 3, 4, 5 дастурлардан иборат.
КАТТА ПАКЕТИ — 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8 дастурлардан иборат.

Ҳақ тўлаш усули — ҳар хил, шунингдек VISA кредит карточкаси билан.

БИЗНИНГ МАНЗИЛЛАРИМИЗ: «ГЛАВПОЧТАМТ» ва «ЯНГИ ТЕЛЕМИНОРА».
Телефонлар: 35-22-32, 44-20-28, 44-29-90, факс 34-01-11.

A LEADING FOREIGN COMPANY
is seeking for

self motivated,patient,determined,dynamic and team player staff who are ready to keep pace with busy and flexible working hours and have good typing and computer skills,for the following positions to join its work force in Tashkent,Uzbekistan.

1-EXECUTIVE SECRETARY (Ref:EXEC)
The candidates must:
-have excellent command of both written and spoken **English** and **Russian**
-have at least 2 years of experience in an active **secretarial work**
-be between **20 and 35 years of age**

2-INTERPRETER (Ref:ITER)
The candidates must:
-have excellent command of both written and spoken **English** and **Russian**
-have familarity with **techical and commercial terminology**
-have familarity with **contracting work**
-have at least 5 years of experience in **interpretation work**
-be between **20 and 40 years of age**
-have a **university degree** in philology,bussines administration,international affairs, political sciences or similar.

Please fax your English written CV with the indication of the position reference to **344461** before **25th of MAY**.All applications will be treated strictly confidential.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ БАРЧА КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
БАРЧА КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРГА 1995 ЙИЛ 25 МАЙГАЧА

Тошкент шаҳар телефон алоқаси хизматларидан (абонентлик тўлови, шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар) фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш бўйича шартнома тузишлари лозимлигини

МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ!

Шартнома тузиш учун қуйидаги телефон алоқаси тармоқларига

МУРОЖААТ ҚИЛИШ ЛОЗИМ:

ҲАМЗА ТУМАНИ (21, 22, 23, 24, 33, 34, 35, 36-АТСлар) —Ҳ.Асомов кўчаси, 2-уй;

МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ (61, 62, 63, 64, 65, 67, 68-АТСлар)— Н.Ҳожибоев (илгариги Морозов) кўчаси, 45-уй;

ЯНГИОБОД ТУМАНИ (90, 91, 92, 93, 94, 97, 98-АТСлар ва Бектемир тумани АТСи) — Кадишев кўчаси, 17-уй;

МИРОБОД ТУМАНИ (50, 53, 54, 55, 56, 57, 58-АТСлар) — Нукус кўчаси, 87-уй;

СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИ (29, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49-АТСлар) — «Қорақамиш -2/5, Ўразбоев кўчаси, 21-уй.

ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ (72, 74, 75, 76, 77, 78, 79-АТСлар) — Чилонзор даҳаси, 3-мавзе, 46-уй;

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ВА РАДИОЛАШТИРИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ — Т. Шевченко кўчаси, 17-уй—шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар учун.

Маълумот учун телефонлар: 54-82-80, 54-29-56, 36-22-21.

КЎРСАТИЛГАН МУДДАТДА ШАРТНОМА ТУЗИЛМАГАН ТАҚДИРДА ТШТАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ТЕЛЕФОННИ УЗИБ ҚЎЙИШ ВА БУ НОМЕРГА ЭГАЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИНИ ЎЗИДА САҚЛАБ ҚОЛАДИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ВА РАДИОЛАШТИРИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

ЙЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

САҒБОН кўчасининг АБДУРАҲМОНОВ кўчасидан Ҳуррият тор кўчасигача бўлган қисмида реконструкция ишлари олиб борилиши муносабати билан

ТРАНСПОРТ ҲАРАКАТИ ТЎРТ ОЙ МУДДАТГА ТЎХТАТИЛДИ

65, 118-автобуслар ҳаракати йўналиши қуйидагича ташкил этилди:

65-АВТОБУС —Сағбон кўчасидан бир йўналишда Ниёзов, Форобий, Сотников, Беруний, Навоий, Абай кўчалари бўйича метронинг «Пахтакор» бекатигача қатнайди.

Қайтишда Навоий кўчасидан Зарқайнар, Сағбон, Ҳуррият, Форобий, Ниёзов, Сағбон кўчалари бўйича, сўнгра, Қорақамиш даҳасигача боради.

118-АВТОБУС — Сағбон кўчасидан бир йўналишда Адбураҳмонов, Уста Олим, С.Раҳимов, Ғ.Ғулом, Зарқайнар кўчалари бўйича «Чорсу» автостанциясигача қатнайди.

Қайтишда Зарқайнар, С. Раҳимов, А. Қодирий, Ғ.Ғулом, З.Қобулов, гвардия полковниги Хўжаев, Ҳ.Асомов, Абдураҳмонов, Сағбон кўчалари бўйича, сўнгра «Посилторг» базасигача қатнайди.

«Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси.

Ю. А. ГАГАРИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ТЕХНИКУМИ
20 май соат 13.00 да 9-11-синф ўқувчилари учун
ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ

Манзилгоҳ: *Охунбобоев кўчаси, 12(2, 3, 13, 28-трамвайларнинг «Сув спорти» саройи, 3, 12, 21, 68, 58, 26, 37, 52, 18, 60-автобусларнинг «Амир Темур хиёбони» бекатлари).*

ХОНИМЛАР ВА ЖАНОБЛАР!
«САНЖАРБЕК» ФИРМАСИ
СИЗГА ҚУЙИДАГИ ХИЗМАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

Тўй кийимлари; миллий услубда тикилган тўй чопонлари; келинлар учун миллий безаклар; тўй учун гулдасталар тайёрлаш; тўйга чиройли тортлар тайёрлаш; карнай-сурнай ва мусиқа ансамбллари билан таъминлаш; таклиф билетларини тайёрлаб бериш; ёритгич-мусиқа безаклари; видеофотосуратга олиш; дастурхонларни тузаш ва меҳмонларга хизмат кўрсатиш; тўй учун чет эл автомашиналари ва автобусларни бериш;

БУЮРТМАЛАР КАМИДА ТЎЙДАН 20 КУН ОЛДИН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 15. «Санъат саройи» кассалари ичида.
Телефонлар: 44-07-88, 44-12-98.

«ЭМАЛЬ» ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ
«ПФ»-115 оқ, зангори, пистоқи, фил суяги рангидаги эмалларни;
«ПФ-266» пол учун эмални
СОТАДИ
Бўёқ идиши қайтариб олинмайди.
ЧЕК ЁКИ АККРЕДИТИВ БИЛАН ҲАҚ ТЎЛАШ МУМКИН.
Тошкентдан харидорнинг ўзи олиб кетади.

Манзилгоҳ: 700073, Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 3-тор кўча, 73-уй.

* * *

КУЁВ-КЕЛИНЛАР УЧУН
«ЧАЙКА» АВТОМАШИНАСИ ХИЗМАТИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ.
ҲАҚ ТЎЛАШ УСУЛИ — СИЗГА МАЪҚУЛИ.
Телефонлар: 67-12-65, 68-42-18.

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Буюк Ипак йўли кўчаси, І-уй. «Тюльпан» қаҳвахонаси.

Тошкент шаҳар ихтисослаштирилган йўл-кўприк қуриш трестига қарашли Юнусобод тумани йўл таъмирлаш бошқармаси

ТУГАТИЛДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида 35-31-67 рақамли телефон бўйича қабул қилинади.

Ғазалкент АЭВПКка қарашли чек китобчасининг йўқолган 1593801-1593825 рақамли варақлари ҳақиқий эмас, деб ҳисоблансин.

Қибрайда 4 хонали (15 сотих) планли уй сотилади.
Т. 49-20-32.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси Шайхонтоҳур туманидаги 4-нотариал идора нотариуси Омина Латиповна Очиловага онаси

Шукурхон АҲМЕДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади

«Ўзмевасабзавотузумсаноат» республика уюшмаси раҳбарияти ва жамоаси уюшманинг масъул ходими Шуҳрат Тожиевич Салимовга онаси

Бадира Раҳматуллаевна САЛИМОВАнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент оқшоми

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида рўйхатга олинган. Рўйхат сони ~ 10.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: хатлар ~ 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича~ 56-54-68, 32-56-66.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки "Тошкент почтаси" шаҳар почта корхонасининг фойдаланиш бўлимига ~ 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Ҳажми ~ 2 босма табоқ. Офсет усулда чоп этилади. Қоғоз бичими - А-2. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичи - 64690.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.   Буюртма Г–0198   «Босмага бериш вақти 11.30.   Тираж–11918   1 2 3 4 5 6.